



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI  
DIN ISHLARI BO‘YICHA QO‘MITA RAISING BUYRUG‘I**

2022 yil “5” oktabr

55-A -son

**Кўмита марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд  
лавозимларга малака талабларини белгилаш тўғрисида**

Кўмита марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалардаги мавжуд лавозимларга малака талабларини аниқ ва ягона шакл асосида белгилаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Кўмита марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалардаги мавжуд танлов эълон қилинадиган лавозимларга қўйиладиган малака талаблари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар бўлими (Ш. Қулматов) доимий равишда:  
вакант лавозимларга малака талаблари асосида танлов эълон қилиб борсин;

танловни Кўмита марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш тўғрисидаги Тартиб талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш;

танлов босқичларини ташкил этиш учун зарур шароитларни яратиш ва бу жараёнларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширсин.

3. Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими (И. Маърупов) мазкур малака талабларини Кўмита расмий веб-сайтида ёритиб борсин.

4. Ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими (А. Агзамов) мазкур буйруқни Кўмита таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бошқармаларга етказсин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Раис

С. Тошбоев